

Ҳомиладор аёллар ва ногиронларга бепул хизмат кўрсатилади

Урганч шаҳридаги «Хоразм Равон транс» МЧЖдан ўрнатилган олса арзигулик хайрли ишни амалга оширишда: корхонанинг енгил такси ҳайдовчилари байрам кунлари шаҳар ичи йўналишларида ҳомиладор аёллар ва ногиронларни бепул манзилига етказди.

Бу ташаббус Жамият раҳбарияти ва ҳайдовчиларнинг ўзларидан чиққан. Йил бошидан бери ҳар байрамда корхонага қарашли йўналишсиз такси автомобиллари шаҳар ҳудудида ногиронлар ва ҳомиладор аёлларга текинга хизмат кўрсатишда. Савобталаб автотранспортчилардан аҳоли жуда мамнун: ҳайдовчилар ушбу «акция» йўлга қўйилганидан бери йўловчиларнинг уларга нисбатан айрича ҳурмат билан қарай бошлаганини, ҳар қадамда мақтов ва дуоларга сазовор бўлаётганларини айтадилар.

Ажабки, савоб ишга қўл урилганидан кейин корхонанинг пуллик миқдорлари сони ортиб, тушум кўпайди. Ўз навбатида, ҳайдовчиларнинг даромадлари ҳам.

Эзгу иш орқасида топаётган обрў-эътибор ва баракадан руҳланган «Хоразм Равон транс» МЧЖ раҳбарияти эндиликда туғруқхонадан «янги меҳмон» билан чиққан ёш оналарни уйларига бепул етказиб қўйишни ташкил этиш ниятида. «Ҳар ким қурби етганча савоб иш қилганига нима етсин! Одамларга яхшилик қилсангиз, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзсангиз, ўзингиз ҳам руҳий ҳаловатга эришасиз. Шундай экан, бошлаган хайрли ишларимизни асло тўхтатиб қўймаймиз», – дейди корхона раҳбари Адилбек Ўразов.

«Хоразм Равон транс» МЧЖ кўп йиллардан буён шаҳарда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Ҳозирги кунда корхона тасарруфида 26 та енгил автотранспорт воситалари мавжуд. Автомобилларни кунлик техник кўриқдан, ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш малакали ходимлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати